O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, МУҲТАРАМА ОПА-СИНГИЛЛАР!

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 4 март, пайшанба • 10 (3538)-сон

## САМИМИЙ ҚУТЛАЙМАН

Республика Ички ишлар вазирлиги тизимлари ва таълим муассасаларида хизмат қилаётган муҳтарама онахонларимиз, азиз опа-сингилларимиз ҳамда ички ишлар идораларининг фахрия аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни – 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Сизлар Ватан ва халқимиз манфаатлари учун фидойилик намуналарини кўрсатиб, қатъиятли ироданггиз билан ички ишлар идораларининг машаққатли, аммо шарафли фаолиятига самарали ҳисса қўшиб келмоқдасиз. Келажагимиз бўлган ёшларга ўрнак кўрсатиб, хизмат сир-асрорларини ўргатаяпсиз. Шу билан бирга оилада азиз фарзандларимизни фидойилик билан тарбиялаб вояга етказаётганингиз учун чуқур миннатдорчилик билдираман.

Барчангизга узоқ умр, бахт-саодат, оилавий тотувлик тилайман. Қалбингизни эзгу ниятлар, чеҳрангизни баҳорий табассум тарк этмасин, хонадонингиздан қут-барака аримасин.

**З. АЛМАТОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги.*

## ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

**Республика ИИВ Ҳайъатининг навбатдаги мажлисини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги Зокиржон Алматов олиб борди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ, ИИВ Бош бошқармалари, бошқармалари ва мустақил бўлимларининг раҳбарлари қатнашишди.**

Мажлисда республика ички ишлар идоралари томонидан мамлакатимизнинг чегара ва тоғлик ҳудудларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда диний-экстремистик оқимга аъзо бўлган шахсларни аниқлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирларнинг аҳволи кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида ҳукумат қарорига кўра ички ишлар идораларида тоғли шароитда фаолият кўрсатувчи бўлинмалар ташкил қилингани қайд этилди. Улар махсус тайёргарликдан ўтишган, тегишли техник воситаларга эга ва гиёҳвандлик моддалари, қурол-аслаҳалар, ўқ-дориларни қидириб топишга ихтисослашган хизмат итлари билан таъминланган. Мазкур бўлинмалар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда юртимиз ҳудудига экстремистик, террорчилик кайфиятидаги кимсаларнинг суқилиб киришига йўл қўйишмаяпти.

Ҳайъат мажлисида одам савдоси билан шуғулланишга қарши кураш борасида республика ички ишлар идораларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳақидаги ахборот ҳам тингланди. Ноқонуний трэфик ташкилотчиларини аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш асосий кураш воситасига айланиши кераклиги айтилди. Бу борада профилактик, ахборот-тарғибот ва тарбиявий ишларни кучайтириш, бунда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимизда умумхалқ байрами – Наврўз тантаналари чоғида жамоат жойларида, театрлар, концерт заллари ҳамда оммавий сайлгоҳларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

## МЕҲРУ МУҲАББАТИМИЗ СИЗГА, АЗИЗЛАР!



*Халқаро хотин-қизлар байрамининг илк баҳор ойига тўғри келишида рамзий маъно бор. Зеро, кўклам ёшариш, уйғониш, гўзаллик фасли. Баҳорда табиат бор ҳусну тароватини намойиш этади.*

*Одамзод ҳаёти эса аёлларсиз нақадар ғариб, нурсиз бўларди. Уларнинг иши гўзал, сўзи гўзал, ўзи гўзал. Азбаройи аёлларга ёқиш, меҳру муҳаббати, ҳурматини қозониш учун биз, эркаклар улуғ ишларга чоғланамиз.*

*Мамлакатимиз ички ишлар идораларида ҳам эркаклар билан елкама-елка фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар анчагина. Ана шундайлардан бири республика ИИВ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармасининг катта тезкор вакили, милиция подполковниги Жўрахон Қаюмовадир. У хизмати, юриш-туришни, муомаласи билан вазирлик тизимида ишлаётган қиз-жувонларга намуна бўлиб келяпти. Бундан ташқари, мана ўн бир йилдирки, ИИВ хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари сифатида улардан ўз маслаҳати, йўл-йўриқларини аямайди. Айниқса, ёш ходималар қайси хизматда фаолият кўрсатишмасин Жўрахон опадан ибрат олишга ҳаракат қилишади, уни устоз деб билишади.*

**Суратда:** милиция подполковниги Жўрахон Қаюмова (ўнгдан иккинчи) ёш ходималар – ИИВ тиббиёт бошқармаси ҳисобчи-ғазначиси, ички хизмат сержанти Адолат Тўлаганова, Молия-иқтисод бошқармаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар бўлими бухгалтери, ички хизмат сафдори Дилфуза Болтаева ва Ахборот маркази бўлинма бошлиғи, милиция лейтенанти Ақида Сидиқовалар даврасида.

**Ш. ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

UCHINCHI «Постда» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI SPORT-YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ TV OLAM

УШБУ СОНДА:

ЯНГИ ИШ РЕЖАЛАШТИРИШДАН БОШЛАНАДИ........ 4
МАЗМУНЛИ УМР........ 13
ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА........ 14
БОШ ЭГИБ ЧИҚ ЙЎЛЛАРИГА........ 16

# ВАТАННИ, ҲАЁТНИ УЛУҒЛАШДИР.

**Ислом КАРИМОВ.**



## УМИДЛАРИ КАТТА УМИДА

Умида Оразбаева Амударё туманининг “Чойкўл” овулидан. У ИИВ Академиясини имтиёзли диплом билан тугатиб, ҳозирда Амударё тумани ИИБда терговчи бўлиб ишламоқда.

– Милиция соҳасига қизиқишим отам, истеъфодаги милиция майори Аҳмад Оразбаев туфайлидир, – дейди Умида. – Онам Гулсара Собированинг педагоглиги эса пухта билим олишимга сабаб бўлди.

Терговчилик фаолияти билан қизиққанимизда эса Умида шундай деди:

– Нима ҳам дердим. Ҳаётда ҳар хил феъл-атворли кишилар учраб туради. – Айримларда шукроналик ҳисси етишмаслиги жиддий мулоҳазага ундайди. Масалан, ўттиз беш ёшли С. Раъно қўшмачилик билан шуғулланганы учун икки марта судланган. У ҳукуматимизнинг инсонпарварлигидан тегишли хулоса чиқармай, арзимас сабаб баҳона, жанжаллашиб уйидан чиқиб кетган вояга етмаган Зеварни (исм ўзгартирилган) ўз уйига олиб келиб пул топишнинг жирканч йўлига бошлаган. Албатта, Раъно ўз жазосини олди. Лекин Зеварнинг ҳаёти изга тушиши қийин бўлади.

Ўттиз ёшли С. Фарҳод бир марта ўғирлик қилиб, қамоқхона нонини еб кўрган. Афсуски, у ҳам бундан тегишли хулоса чиқармади. Ўзи сотган уйга маълум муддатдан кейин ярим тунда келиб, хўжалик буюмларини ўғирлаб кетади. Бу хонадонда аввал яшагани боис, қандай кириб чиқишни беш қўлдай биларди. Фарҳод суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди. Бундай шахсларни кузатиб ачинасан, киши. Улар зое кетаётган ёш умрларини хайрли ишларга сарфлашса соз бўларди. Шунинг учун биз маҳаллаларда бўлиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Теран фикрли, ўз касбига меҳр қўйган Умида Оразбаева топширилган ҳар бир вазифани сидқидилдан бажариш учун бор маҳоратини ишга соляпти.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**

***Суратда:** милиция катта лейтенанти Умида ОРАЗБАЕВА.*



*Ички хизмат сафдори Фарида Бекназарова Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли жазони ижро этиш муассасасида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Ҳамкасблари унинг ёш бўлишига қарамай ўз вазифасига ўта масъулият билан ёндашишини таъкидлашади. Фарида ўқиш-ўрганиш, изланишдан тўхтамаса, хизматда ҳали кўплаб муваффақиятларга эришиши шубҳасиз.*



## БОЛАЛИКНИНГ ЎЗИ БИР ДУНЁ...

***Дилором Нишонбоева пойтахтимизнинг С. Раҳимов тумани ИИБда вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори, милиция майори. Ёшлигидан ғайратли, юрагида ўти бор Дилором ошпаз бўлишни, ёру дўстни, оила аъзоларини мазали таомлар билан сийлашни ёқтирарди. Нима бўлди-ю уйларига тез-тез келиб турадиган милиционер тоғаси уни шу соҳага қизиқтириб қўйди. Қизларни милиция ходими бўлишига катталар қаршилик қилишмади, аксинча эл-юрт хизмати йўлида оқ фотиҳа беришди. Дилором иш фаолиятини 1983 йили қўриқлаш хизматида бошлаганди. 1998 йилдан буён С. Раҳимов тумани ИИБда ишлаб келмоқда.***

– Вояга етмаганларнинг жиноят кўчасига кириб қолиши, оиласидаги носоғлом муҳит натижасида ўз уйини тарк этиб, дайдилик, тиланчилик билан шуғулланиши кишини ташвишга солади, – дейди суҳбат чоғида Дилором Ламуджановна. – Мен учун ҳар битта боланинг тақдири мисоли бир китоб. Ана шу китобни охиригача ўқиб-ўрганиб, таҳлил қилмагунча тинчимайман. Ўсмирлар жиноят кўчасига кириб кетишига асосий сабаб ота-оналар томонидан назоратнинг йўқлиги, мактабдан ташқари вақтда болаларнинг бекор қолишидир. Ҳозирда Президентимизнинг ташаббуси билан болалар спортига катта аҳамият берилаяпти. Жойларда, жумладан бизнинг туманимизда ҳам турли спорт мажмуалари фаолият кўрсатмоқда. Агар ота-оналар, мактаб маъмурияти болаларни ҳеч бўлмаса спортнинг бирор турига жалб қила олса, бу ўқувчиларнинг ҳам соғлиғига, ҳам тарбияси яхшиланишига фойдали бўларди. Бунинг учун милиция, мактаб ва маҳаллалар ҳамкорликда янада кўпроқ иш олиб бориши керак. Демоқчиманки, биз фарзандларимизга қанча эътибор қаратсак, улардан шу даражада умидимиз катта бўлади. Эришилган ҳар бир ютуқнинг замирида машаққатли меҳнат ётади. Болалар ҳам бир дунё. Истардимки, бу дунё фақат ёруғлик, эзгулик юзини кўрсин.

**Мастура ЮНУСОВА ёзиб олди.**



– Инсоний тамойилларга амал қилиш барчамизнинг бурчимиздир, – дейди Бухоро вилояти ИИБ тергов ҳибсхонаси тартибот ва қўриқлаш бўлими назоратчиси, ички хизмат сафдори Марзия Беҳбудова. – Маҳбусаларни тушунишга ҳаракат қиламан. Уларни тинглаш, зарур пайтда қонун доирасида ёрдам кўрсатишдан чарчамайман. Амалдаги қонунлар, соҳамизга оид янгилик ва ҳужжатлар билан вақтида танишиш, ўрганиш ишимизга доим наф келтиради. Бўлимимиз бу йил кўплаб газета ва журналлар, жумладан “Постда” газетасига ҳам ёзилди. Ҳар биримиз ҳафта давомида севимли газетамизни интизорлик билан кутамиз.

***Суратда:** ички хизмат сафдори Марзия Беҳбудова.*

**Ражаббой РАУПОВ олган сурат.**

## УЛУҒ НЕЪМАТ НАСИБ ЭТСИН!



Феруза Қодирова Бекобод шаҳрида туғилган. У ўрта мактабни тамомлаб, Волгоград шаҳридаги олий тергов мактабига ўқишга кирди. 1989 йилдан пойтахтимиздаги ички ишлар идораларида хизмат қилаяпти. Айни вақтда милиция майори Феруза Қодирова Яккасарой тумани ИИБ тергов бўлимида катта терговчи.

– Касбимни севаман. Оилавий масалада шукрки, бахтим чопган. Умр йўлдошим билан ҳамкасбмиз, икки фарзандимиз бор, – дейди у. – Бизнинг ишимиз анча мураккаб. Касб тақозоси билан оилавий можароларга кўп дуч келаман. Байрам арафасидаги биринчи тилагим барча хонадонларда тинчлик ва хотиржамлик бўлсин. Аёлларимизни ҳеч қачон баҳорий кайфият тарк этмасин. Хотин-қизлар омон бўлишса, эркакларимизнинг ҳам бағри бутун бўлади. Бу эса туганмас бахт демакдир. Мана шу улуғ неъмат барчага насиб этсин.

**Раъно ҚАЛАНДАРОВА.**

***Суратда:** Ф. Қодирова фарзандлари билан*



Ички хизмат сержанти Муҳаббатхон Ваҳобова Фарғона вилояти ИИБ тиббиёт бўлимида, ички хизмат сержанти Дилнурахон Ваҳобова ёнғин хавфсизлиги бошқармасида фаолият кўрсатишяпти. Милиция лейтенанти Дилшодахон Ваҳобова эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасида хизмат қилмоқда. Опа-сингиллар ота изидан бораётганликларидан фахрланишади.

***Суратда:** Муҳаббатхон, Дилнурахон ва Дилшодахон Ваҳобовалар.*

**Б. ОМОНЗОДА олган сурат.**

## ХОДИМЛАР СОҒЛИҒИ УЛАР ҚЎЛИДА

**Республика ИИВ Марказий поликлиникаси шифокорлари дардига даво излаб, ҳузурларига келган беморларга нисбатан ўта эътиборлидирлар. Ўз соғлиғига бепарво бўлганларга ҳам ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб, дардини аниқлаб, даволашга ҳаракат қилишади.**

– Поликлиникамизда асосан билими кучли, тажрибали мутахассислар ишлашади, – дейди Марказий поликлиника бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат капитани Ферузахон Зокирова. – Олий тоифали шифокор, ички хизмат майори Муҳаббатхон Раҳимова бошчилигидаги профилактика бўлинмаси шифокорларининг хизмати эса алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар “касални даволашдан кўра олдини олиш осон” қабилида иш юритишаяпти.

– Бизнинг вазифамиз ички ишлар ходимлари, уларнинг оиласи, фахрийларимизнинг саломатлигини муҳофаза қилишдан иборат, – дейди Муҳаббатхон Раҳимова. – Бўлинмамизда Н. Белгай, Н. Собирова, тиббиёт фанлари номзоди С. Сергиенко, Е. Обери, Т. Ришонкова, Ж. Ҳакимова каби олий тоифали терапевт, отолоринголог, жарроҳ, кўз ва асаб касалликлари шифокорлари, шунингдек, Р. Нуриддинова, С. Маҳмудова ва М. Дадаевалардек ўз касбининг усталари бўлган шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишади. Йиллик режа асосида ҳар ойда бир неча марта республика Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказамиз. Аниқланган касалликлар дарҳол даволашга киришилади.

Шифокорлар жорий йил бошидан буён ИИВ Ички ва Қоровул қўшинлари хизматчиларини тиббий кўрикдан ўтказдилар. Бир неча кишида аниқланган енгил шамоллаш, спорт машғулотлари пайтида шикастланишни ҳисобга олмаганда, асосан соғлом ходимлар хизмат қилаётгани маълум бўлди.

– Текширувларда ходимларда касаллик қанча кам аниқланса, шунча хурсанд бўламиз, – дейди кўз шифокори С. Сергиенко. – Зеро, бу биз амалга ошираётган профилактик ишларнинг натижаси-да.

Баҳор таровати юзларида акс этган, эгниларига оппоқ халат кийган шифокорлар навбатдаги тиббий кўрик учун йўл олдилар. Уларни Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий кутлаб, сиҳат-саломатлик, масъулиятли ва шарафли ишларида омадлар тилаймиз.

**Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

4 март – Қоровул қўшинлари ташкил топган кун

# ИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШДАН БОШЛАДИ

**Эргашбой Носиров сардор бўлиб келганда ҳарбий жамоада аҳвол кўнгилдагидек деб бўлмасди. Шахсий таркиб ўртасида тан жароҳати олиш ҳолатлари учраб турарди. Бинолар таъмирталаб бўлиб қолганди. Тартиб-интизомни мустаҳкамлаш зарур эди.**

Янги сардор аҳволни обдон ўрганиб чиққач, ишни режалаштиришдан бошлади. Ўринбосарлар билан бамаслаҳат яқин бир йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб олди. Кейин буни ойлик, кунлик режаларида акс эттирди. Қўл остидагилардан ҳам шуни талаб қилди. Мўлжалланган ишлар қоғозда қолиб кетмаслиги учун аввало режа номига эмас, мавжуд шароитлардан келиб чиқиб тузилиши керак. Кейин ижрочилар ва назорат қилувчилар ҳамиша масъулиятни ҳис қилишлари лозим. Э. Носиров шу икки жиҳатни назардан қочирмади.

Ҳақиқий раҳбар қўл остидагилардан талаб қилишдан олдин уларга яхши хизмат қилишлари учун шароит яратиб беради. Майор Носиров ҳам биринчи галда аскарлар ётоқхонаси, клубини таъмирлатди. Ҳарбий жамоа ёрдамчи хўжалигига масъул этиб абжир, ҳаракатчан, ишнинг кўзини биладиган йигит — катта сержант Расиф Бобоевни тайинлади. Натижада тез орада аскарлар дастурхони бойиди. Ободончиликка ҳам катта эътибор берилди. Ўзлари қўриқлайдиган жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти кўмагида қоровулхона таъмирланиб, қоровулликда турганлар учун музлаткич олинди. Бу ўзгаришларни аскарлар пайқашди, албатта. Шунга яраша астойдил хизмат қилиш ҳаракатига тушишди.

Жамоа ўтган ўқув йили якунлари бўйича ҳарбий қисмда биринчи ўринни эгаллаб, телевизор билан тақдирланган ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир. Назоратчилар бир қатор тартиббузар маҳкумларни аниқлашди. Айримларининг ёнидан тақиқланган нарсалар топилиб, муассаса маъмуриятига далолатнома асосида топширилди. Хусусан, ўтган йили январь ойида Фахриддин Бегимов ва Сирожиддин Рўзиевлар соқчилик пайтида қочишга уринган икки маҳкумни қўлга олишганини алоҳида таъкидлаш керак.

Қоровуллик хизматида қўриқлаш муҳандислик-техник воситаларининг ҳолати, ўқув машғулотларининг юқори савияда ўтилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Эргашбой Носиров сардорлик қилаётган жамоа яқинда ёритиш, сигнализация воситалари техник ҳолатини текшириш якунлари бўйича қисмда иккинчи ўринни қўлга киритди. Воситаларнинг аҳволи, мукаммаллиги ўз йўлига. Аммо асосий натижа бари бир одамларга — шахсий таркибга боғлиқ. Уларнинг қалбига йўл топа билиш, жамоани ягона мақсад йўлида бирлаштириш, руҳлантириш ютуқлар гаровидир. Майор Эргашбой Носиров буни яхши билгани учун жамоага муваффақиятли раҳбарлик қилмоқда.

**Бобомурод ТОШЕВ.**



Соқчи-операторни қоровуллик хизматининг юраги дейиш мумкин. У ўзига топширилган постда сергак туриш билан бирга бошқа постлардаги аҳволдан ҳам пульт орқали бохабар бўлиши, бу ҳақда қоровул бошлиғига ахборот бериб туриши туриши керак. Оддий аскар Баҳриддин Турдиевга кўпинча ана шундай масъулиятли вазифа топширилади. У ҳамиша хизматга виждонан ёндашиши туфайли билдирилган ишончни оқлаяпти.

**Суратда:** *соқчи-оператор, оддий аскар Баҳриддин Турдиев хизмат пайтида.*

**Б. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат.**

# ХИЗМАТДАН МАМНУНМАН

Биз жазони ижро этиш муассасаларидан бирини қўриқлаймиз. Хизматни намунали ўташимиз учун ҳамма шароитлар етарли. Ётоқхоналар ёруғ, иссиқ, шинам. Ошхоналарда мазали таомлар тайёрланади. Аскарларни йўқлаб келган ота-оналар учун алоҳида меҳмонхона мавжуд.

Яхши хизмат қилган аскарларни қўмондонлик доимо рағбатлантириб туради. Ҳозирги кунгача қоровулхона, питомник ва ошхонамиз кўрик-танловларда кўп бора биринчи ўринни эгаллаган.

Ҳар шанба, якшанба кунлари бадиий ҳаваскорлар гуруҳи аъзолари ўзлари тайёрлаган интермедия, қўшиқ ва саҳна кўринишларини намойиш этишади. Ўзим шеър ёзишга қизиқаман. Хизматга келиб ёзган биринчи шеъримни сизларга юбоputман.

*Хизматимни, дўстларим, Зарафшонда бошладим,*
*Илк келган кунимданоқ сафда қадам ташладим.*
*Қолиб кетди Жиззах ҳам узоқларда, дўстларим,*
*Бирга ўсган қизларни роса-роса қўмсадим.*
*Сабр қилинг, ҳой қизлар, тезда уйга қайтарман.*
*Юракдаги дардимни бирингизга айтарман.*

**Г. АВВАЛБОЕВ,**
*оддий аскар.*



Бугунги кунда республика ИИВ тизимининг кўпгина соҳаларида хизмат итларидан самарали фойдаланиляпти. Қоровул қўшинлари ҳам бундан мустасно эмас. Оддий аскар Рустам Усенов ўз бўлинмасида итларни хизмат учун зарур кўникмаларга ўргатиш билан шуғулланади. Жамоа эришаётган ютуқларда унинг муносиб ҳиссаси бор.

**Суратда:** *Р. Усенов «Цезарь» лақабли хизмат итини машқ қилдиряпти.*

**Б. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат.**

# СЕРГАК СОҚЧИ

***Қоровул қўшинларида ҳарбий хизматни ўташ кишидан зийраклик, ҳушёрлик ва албатта, мардликни талаб қилади. Худди ана шу фазилатларни оддий аскар Баҳодир Холиқов жанговар топшириқни бажариш чоғида намоён қилди.***

Ярим тунда жазони ижро этиш муассасасида соқчилик вазифасини бажараётганда у постлар оралиғидаги панжара остида қандайдир шарпани сезиб қолди. Ҳушёр соқчи у қочишга уринаётган маҳкум эканлигини тезда англади. Ҳарбий Низом қоидаларига биноан: "Тўхта, отаман!" дея огоҳлантирди. Сўнг қоровул бошлиғига телефон орқали хабар қилди. Тезда воқеа жойига қўшимча қоровуллик хизмати кучлари етиб келиб, қочишга уринган маҳкумни қўлга олишди.

Ҳарбий жамоа командири оддий аскар Баҳодир Холиқовга ташаккурнома эълон қилди. Уни тарбиялаб, вояга етказган ота-онаси номига эса миннатдорчилик мактуби юборилди.

**Ф. ЁҚУБОВ,**
*кичик сержант.*

Хизматларда

# ЎҒИРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАДИ

**Риштон тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро қўриқлаш бўлинмаси ўтган йилни вилоятда энг яхши натижалар билан якунлаган жамоалар қаторидан ўрин олди. Бўлинмага кўп йиллардан буён милиция майори Баҳодиржон Шаропов раҳбарлик қилиб келади.**

— 2003 йил 50 дан ортиқ халқ хўжалиги объектлари қўриқланиб, уларнинг биронтасида ўғирлик ва бошқа ҳолатларга йўл қўйилмади, - дейди у. - Бундан ташқари 8 та янги объект қабул қилинганi хизматимизга билдирилаётган ишончдан далолатдир. Биз қўриқланаётган халқ хўжалиги иншоотларида ўғирлик ва ёнғинга қарши ташвишогоҳ воситалари нуқсонсиз ишлашини таъминлаяпмиз. Мабодо камчиликлар бўлса, мутасаддилар кўмагида ўз вақтида бартараф этилади.

Майда ташмачиликларни аниқлаш бўйича йил мобайнида қўриқланаётган ва қўриқланмайдиган объектларда 200 дан ортиқ рейдлар ўтказилди. Бунинг натижасида майда ташмачилик билан шуғулланаётган шахслардан 167 минг 595 сўмлик моддий товар бойликлари олиниб, давлатга топширилди. Ташмачиларга қарийб 535 минг сўм миқдорда жарима солинди. Бундан ташқари 500 га яқин бошқа турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Ходимларимиз туман ҳамда вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан ташкил қилинаётган турли тадбирларда ҳам фаол қатнашиб, халқимизнинг осойишта турмуш тарзини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Милиция катта сержантлари А. Воҳидов, А. Муҳитдинов ва Б. Холмирзаевлар бошқаларга ўрнак бўлишаяпти.

Қўриқлаш бўлинмаси томонидан қўриқланаётган объектларда вужудга келган катта миқдордаги дебитор қарзлар ундириб олишга эришилди. Якунланган йилда режага асосан ходимларни рағбатлантириш мақсадида салкам 2,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳр ва мурувват йилида ҳам қатор вазифаларни белгилаб олганмиз. Хусусан, бизнинг соҳада кўп йиллар ишлаб, нафақага чиққан инсонлар ва уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабардор бўлиб бориш йўлга қўйилди.

**М. КИМСАНБОЕВ.**

«01» хабар қилади

# ЎЗБОШИМЧАЛИК ЎЗИНГИЗГА ЗИЁН

Жиззах вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бунда жойларда ёнғинга қарши сув таъминотини ташкил этиш, носоз сув манбалари ҳолатини яхшилаш, кўп қаватли уйлар оралиғидаги йўлларга фуқаролар томонидан ўрнатилган тўсиқларни олдириб ташлаш биринчи галдаги вазифа деб қаралаяпти. Газ ва электр асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларини кўриш тўғрисида бир қанча йўриқнома, эслатма ва плакатлар ишлаб чиқилди. Маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида қўшма рейдлар ўтказилмоқда. Тадбир давомида электр энергияси ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига эътиборсизлик билан қараётган корхона, муассаса ва хонадонлар аниқланди.

Жиззах шаҳар Тошкент кўчаси 15-уйда яшовчи М. Турабоев, А. Саъдуллаев кўчасидан П. Юсупов, Арнасой туманидаги «Олтин водий» ширкатлар уюшмаси Навоий кўчасидан Х. Норматовлар табиий газ тармоғига резина ичак улаб, ундан ўғринча фойдаланишгани учун тегишли чора кўрилди.

Жиззах шаҳар Фурқат кўчасида яшовчи Х. Фозилов, О. Обидов кўчасидан Т. Пўлатова, С. Шерматов кабилар электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётгани аниқланиб, маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаётган минтақадаги 870 нафардан ортиқ фуқарога нисбатан 213953 сўм миқдорда жарима солинди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини менсимаслик, газ ва электрни ўзбошимчалик билан улаб олиш фақат ташвиш келтиради, холос.

**А. МУХТОРОВ,**
*ички хизмат лейтенанти.*

UCHINCHI «Постда» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ TV OLAM

Руҳият сирлари

**Сўнгги пайтларда шифокорларга унча ихлос қилмай, ноанъанавий муолажа турларини маъқул кўрадиганлар сони тобора ортиб бораяпти. Кўпчилик ҳақиқатан ҳам гиёҳлар, минераллар, сув, тупроқ, қуёш ва ҳаво аксар дардларга даво бўлишига ишонишяпти. Айниқса, биокувват ёрдамида даволаш оммалашиб бормоқда. Асрлар давомида синовдан ўтган халқ табобати баъзан оддийгина табиий воситалар, тўғри овқатланиш оғир касалликлардан халос қилиши, кексайиш жараёнини анча секинлашишини исботлади. Хўш, қандай қилиб организмни касалликларга қарши курашиш механизмини ишга солиш мумкин?**



# ИШОНТИРИШ САНЪАТИ

Ҳаётимизда ўз-ўзини ишонтириш беқиёс даражада катта аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг фикрича, кўпинча бунинг қадрига етмас эканмиз. Яхшиси тарихдан мисол келтирсак. Бир пайтлар Россия шоҳи Иван Грозний саройига таклиф этган сеҳргарлар ҳукмдорга қайси куни қазо қилишини айтиб беришади. Шу куни шоҳ тушгача давлат ишларини туғаллаб, кечга бориб айтарли сабабсиз вафот этади. Тўғри, шафқатсиз диктаторни ғанимлари заҳарлаган, деган тахминлар ҳам бор. Тарихчиларнинг аксари шу фикрда. Аммо ўта иримчи ҳисобланган Иван Грозний сеҳргарларнинг башоратига ўзини қаттиқ ишонтирган бўлса-чи?!

Ҳозирги замонда Африкада яшовчи кўплаб халқлар ва қабилалар ҳам сўзнинг куч-қудратига қаттиқ эътиқод қилишади. Ҳатто оддий хат-саводи бўлмаган шаманлар ўз қабиладошларига кучли таъсир ўтказишади. Сеҳргар “Сен яқинда ўласан!” дея бировни ҳассаси билан кўрсатса, бошқалар унинг ўлишига заррача шубҳа қилишмайди. Ҳақиқатан ҳам шаман томонидан тавқи лаънат қилинган киши тез кунлар ичида вафот этади.

Майли, жодугарларни ҳам бир четга қўйиб турайлик. Шифокорлар ўзларини бедаво, оғир дардларга, дейлик саратон касаллигига чалинганлигига ишонтирган, хасталикнинг барча аломатларини топган кўплаб беморларни мисол қилиб келтиришлари мумкин.

Ҳайриятки, киши ўзини яхши, ижобий фикрга ҳам ишонтириши мумкин. Руҳиятини соғайишга чоғлаган беморларнинг тузалиши анча осон кечади. Чунки организмнинг яширин имкониятлари, мўъжизавий механизмлари ишга тушади. Халқимиз бекорга «Ихлос-халос» демайди. Одам ихлос қилса, ўзини ишонтирса, хасдан ҳам, чўпдан ҳам шифо топаркан. Афсуски, аксар ҳолларда ўз организмимиз, руҳиятимиз хасталикларга қарши курашда нималарга қодирлигини етарлича баҳоламаймиз.

Ҳатто ҳаётда арзимас муаммоларга дуч келганимизда ҳам кўпинча умидсизликка тушамиз. «Менга бари бир ҳеч ким ёрдам бермайди», «Қўлимдан ҳеч нарса келмайди», «Бари бир фойдаси йўқ», - дея ҳафсаламиз пир бўлади. Ҳали бир ишга киришмасдан туриб ўзимиз умидимизни сўндирамиз. Руҳиятимизни туб-тубидан салбий фикрга чоғласак, килолаб ҳапдорилар ичсак ҳам, шифокорларни қанча алмаштирсак ҳам нафи тегмайди. Чунки ёмон ниятимиз ўз ишини қилади.

Ҳеч қандай муолажасиз, фақат ўз-ўзини ишонтириш билан ҳам киши яхши натижаларга эришиши мумкин. Хўш, соғайиш учун ўзини ишонтириш усулини қандай қўллаш керак?

Аввалambor, тегишли матн тузиб олиш зарур. Матнда инкор шакллари қўлланмаслиги, фақат тасдиқ жумлалари бўлиши керак. Масалан, «Мен хафа эмасман» дейиш ўрнига «Мен хурсандман» денг. «Мен чекмаяпман» ўрнига «Мен чекишни ташладим» жумласини қўллаган маъқул. Аммо тайёрланган матн самарали таъсир этиши учун организмни ҳам ижобий кўрсатмаларни қабул қилишга ҳозирлаш зарур. Яъни, бутунлай хотиржамликка берила билиш керак. Бунинг учун қуйидагиларни бажаринг:

1. Девордан етти-саккиз қадамлар узоқроқдаги оромкурсига ўзингизга қулай ҳолатда ўтиринг. Деворда кўзингиздан 30 сантиметрлар баландда бирорта белги тупинг. Бу сиз учун фокус нуқтаси вазифасини ўтайди.

2. Ўша нуқтага қараб 100 дан бошлаб тескарисига секин召 санaнг. Ҳар бир рақамни айтаётганда нафас чиқаринг.

3. Санашдан ва диққатингизни фокус нуқтасида тўплашдан тўхтамаган ҳолда ўзингизни илиқ денгиз қўйнига тобора чуқурроқ кириб бораётгандай тасаввур қилинг.

4. Тўсатдан қовоқларингиз оғирлашиб, кўз олдингизни туман қоплаётганини ҳис қиласиз. Асло қўрқманг. Аксинча, кўзларингиз юмилишига мойиллик билдиринг.

5. Кўзингиз юмуқ ҳолда яна 100 дан бошлаб тескарисига санашда давом этинг. Ҳар бир рақамни айтаётганда нафас чиқаринг. Шу ҳолатда илиқ денгиз сувида ухлаётган балиқ ўзини қандай ҳис этишини тасаввур қилинг. Ўзингиз ҳозир бамисоли ана шу балиқдайсиз.

6. Ҳар қандай ўй-ташвишни унутишингиз билан санашдан тўхтанг.

7. Энди ҳеч нарсадан безовта бўлманг, хавотир олманг, ўзингизнинг хавфсиз жойда эканлигингизга ишончингиз комил бўлсин.

8. Бу ҳолатдан чиқмоқчи бўлсангиз, қуйидагича ҳаракат қилинг: «бир» деганда тайёрланинг, «икки» деганда бир неча сония нафас олишдан тўхтанг, «уч» деганда кўзингизни очинг.

Шундан кейин ҳам бошингиздан кечирган оромбахш дақиқаларни узоқроқ чўзишга ҳаракат қилинг. Вақти-вақти билан такрорлаб туриш керак бўлган бундай машғулотлар ўз организмингизни яхшироқ ҳис қилиш, унинг ички имкониятларини тўлароқ фойдаланишга ўргатади.

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИНГ АРВОҲИ



Кубалик дипломат Хосе Рауль Капабланка шахмат бўйича учинчи жаҳон чемпиони эди. У 1942 йилда 54 ёшида тўсатдан вафот этди...

... 1956 йилда шахмат бўйича спорт устаси Андрей Батуев раҳбарлигидаги «Меҳнат» спорт жамияти шахмат-шашка жамоаси собиқ иттифоқ биринчилигида қатнашиш учун Львов шаҳрига келди. А. Батуев бўш вақтида шашкачи Б. Герцензон билан шаҳар айланмоқчи бўлди. Опера театри ёнидаги афишада Мерседес Рахано деган фолбин башоратлар қилиши ва ўлганлар арвоҳини чақира олиши ҳақида эълон осиғлиқ турар эди. Батуев эълондаги манзилни ёзиб оларкан:

- Бу фирибгарни бир фош қилай, - деди.

- Қандай қилиб? - ҳайрон бўлиб сўради ҳамроҳи.

- Э, бундан осони борми, - бепарво қўл силкиди Батуев. - Масалан, Капабланканинг арвоҳи билан шахмат ўйнамоқчиман, дейман.

Эртаси куни Батуев билан Герцензон фолбиннинг қабулхонасига боришди. Котиба қизга мақсадларини айтиб, белгиланган пулни тўлашгач Мерседес Роханонинг қабулига киришди.

- Хоним, - деди Батуев. - Капабланканинг арвоҳини чорласангиз. У билан шахмат ўйнамоқчиман.

Мерседес столнинг икки томонига қўйилган, суянчиқларига хоч шакли туширилган оромкурсилардан бирига «ўтиринг» дегандай ишора қилди. Ўртада тошлар терилган шахмат тахтаси турарди! Сўнг башоратчининг ўзи хона бурчагидаги оромкурсига чўкиб, паст овозда:

- Ҳозир Капабланканинг арвоҳини чақираман, ўйинга тайёрланинг, - деди.

Мерседес кўзларини юмди. У караҳт ҳолатга киргани сайин оромкурсисининг суянчиғи пасайиб борарди. Ниҳоят фолбин горизонтал ҳолатда ётиб, кўзларини очмасдан яна ям паст, бўғиқ овозда:

- Хосе Рауль Капабланканинг арвоҳи, нидо бер, мени эшитяпсанми? - деди.

Хонада қора, тутунсимон шарпа пайдо бўлди. У шахмат столига яқинлашгани сайин одам шаклига кириб борарди.

- Маэстро, сизни кўряпман, - давом этди Мерседес. - Қаршингизда ўтирган одам сиз билан бир партия шахмат ўйнамоқчи, розимисиз?

- У профессионал шахматчими? - сўради қора шарпа.

Ҳангу манг бўлиб қолган Батуевнинг тили калимага келмади, у бош чайқай олди, холос.

- Йўқ, у ҳаваскор экан, - жавоб берди Рохано.

- Яхши, - бироз сукутдан кейин яна тилга кирди шарпа. - Унда мен фарзинсиз ўйнайман.

- Йўқ, мен тенгма-тенг ўйнашни хоҳлайман, - ниҳоят ўзига келган Батуев қаршилик қилди.

- Хўп, майли, - танасиз рақиб кўнди, - бошладик бўлмаса.

Арвоҳ биринчи бўлиб юрди. Батуев кўплаб нуфузли мусобақаларда қатнашгани учун тезда рақибининг кучлилигини ҳис қилди. Оқлар қўрқоларининг шоҳи қанотига кескин ҳужум қилишди. Арвоҳ аввал отни, сўнг рухни қурбон келтириб, бир неча юришдан сўнг ... қораларни мот қилди!

Ҳайратга тушган Батуев шахмат тахтасидан пича вақт кўз узолмай қолди. Сўнг ғалаба билан табриклаш учун рақибига қўл узатди.

- Мени алдабсиз, -деди шарпа кулиб. - Сиз ҳаваскор эмас, ҳақиқий уста, профессионал шахматчи экансиз! Сиз билан дона суришганимдан хурсандман. Алвидо!

Батуев Ленинградга қайтгач, Капабланканинг ўйин партиялари баён этилган китобларни варақлаб чиқди. Ва ... арвоҳ қўллаган комбинацияларга дуч келди.

Ⓝ

Саломатлик сабоқлари

# ШИФОБАХШ... ТУТУНЛАР

***Кўпчилигимиз исириқнинг тутуни кони шифо эканини яхши биламиз. Лекин яна қатор ўсимликлар бундай хусусиятга эгалигини-чи? Улар шамоллашдан ташқари бош, тиш, бўғин, мушак оғриқларига ҳам даво бўлишидан хабарингиз борми? Қуйида ана шулар ҳақида маълумот берамиз.***



## ХУШБЎЙ ҲИДЛАР ХОСИЯТИ

● Қадимдан европаликлар қарағай, оққарағай новдалари тутуни дезинфекция қилиш хусусиятига эгалигини билишган. Уларни оғир бемор ётган хонада ухлашдан олдин тутатиш керак.

● Арча, қора арча тутуни кучли бош оғриқларини қолдиради.

● Саримсоқ пиёзни тутатиб, 2-3 дақиқа ҳидласангиз, тиш оғриғи камаяди.

● Нафас йўли, ўпка касалликларида қарағай, эвкалипт, лимон, ялпиз ва лаванда тутунлари фойдали.

● Сурункали чарчаб, асабийлашиб юрадиганлар ялпиз, лимон япроқларидан тутантириқ қилсалар, ўзларини яхши ҳис этадилар.

● Тез жаҳли чиқадиган одамларга асаби қўзиганда ёки уйқу олдидан бинафша барги, наъматак япроғи ёҳуд апельсин пўстини тутатиб ҳидлашни маслаҳат берамиз.

● Қон босими ошганда лаванда, маврак (шалфей), лимон тутатқилари, қон босими пасайганда эса атиргул, розмарин тутинининг нафи тегади.

● Ҳомиладор аёллар бошқоронғилик билан боғлиқ ҳолда кўнгиллари озса, лимоннинг қуритилган япроқлари ёки пўстини тутатиб, бемалол ўз ишларини қилаверишлари мумкин. Чиннигул, лаванда ва ялпиз тутуни ҳам ана шундай хусусиятга эга.

# ВАРИКОЗНИНГ ДАВОСИ

***Қон томирларининг варикоз кенгайишини бекорга цивилизация касаллиги дейишмайди. Кўпчилигимиз югуриш, ҳатто юришни унутиб қўйдик. Кўпроқ ўтирамиз ёки тик турамиз. Бундай ҳаёт тарзи эса оёқ мушакларининг кучсизланиши, қон томирларининг кенгайишига олиб келади. Томирлари бўртиб чиққан оёқлар нафақат хунук кўринади, балки оғрийди ҳам. Ҳар қандай хасталик сингари, қон томирларининг варикоз кенгайишини даволагандан кўра олдини олган яхши. Бунинг учун махсус гимнастика машқлари мажмуини бажариш керак. Мазкур машқлар касалликнинг илк босқичида ҳам ёрдам беради. Қуйида гимнастика машқлари қандай бажарилишини баён этамиз.***

● Чалқанча ётиб, қўлларни тана бўйлаб узатинг. Навбатма-навбат аввал битта оёқни, сўнг иккинчисини иложи борича тўғри бурчак остида кўтариб, 5-10 сония шу ҳолатда тутиб туринг. Машқни ҳар бир оёқда 5-6 марта такрорланг.



● Чалқанча ётиб, қўлларни белга қўйинг. Оёқларни секин вертикал ҳолатда кўтаринг, яна секин туширинг. Буни 5-6 марта бажаринг.

● Чалқанча ётиб бир оёқни букинг. Гавдани кўтаринг. Қўлларингиз билан ўша оёқни қучоқлаб, кўкрагингизга тортиб, иягингизни тизангизга теккизинг (агар жисмоний аҳволингиз бунга имкон берса). Сўнг аввалги ҳолатга қайтинг. Буни ҳар бир оёқда 4-5 марта такрорланг. Тиззангизни кўкрагингизга олиб келганингизда нафас оласиз, оёқни тўғрилаганда нафас чиқарасиз.

● Чалқанча ётиб бажариладиган амалларни «велосипед ҳайдаш» машқи билан якунланг.

● Юзтубан (қорин билан) ётинг. Оёқларингизни кескин букинг, тўғриланг. Бу машқни 30-50 сония давомида бажаринг.

● Юзтубан ётиб, муштингизни сонингиз ёнида ерга тиранг. Галма-гал оёқларингизни орқага ва тепага (иложи борича 45-50 даражали бурчак остида) кўтаринг. Буни ҳар бир оёқда 5-6 мартадан бажаринг. Оёқни кўтараётганда нафас олинг, тушираётганда чиқаринг.

## ТОШ ПАЙДО БЎЛСА...

**Туз йиғилишининг энг хавфли кўринишларидан бири сийдик йўлида тош пайдо бўлишидир. Бу касаллик ёш танламайди: ёш болада ҳам, кекса кишида ҳам учраши мумкин. Кўпинча модда алмашинувининг озгина бузилиши ҳам турли кимёвий таркибдаги эримайдиган тузлар (уратлар, фосфатлар, оксалатлар ва ҳакозо) тўпланиб, буйракда, сийдик пуфагида тош ҳосил қилади.**

Ҳатто сийдик йўлида тош пайдо бўлишига туғма мойил кишиларда ҳам қўшимча омилларсиз касаллик ривож топмаслиги мумкин. Иссиқ иқлим, сифатсиз сув, аччиқ, шўр, нордон таомлар, мунтазам дармондориларнинг етишмаслиги, организмнинг сувсизланиши, суякларнинг жароҳат олиши ва хасталаниши (остеомиялит, остеопороз), сурункали гастрит, колит, яра касаллиги, буйрак хасталиклари ва бошқа кўплаб омиллар шулар жумласидандир.

## БУ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Сийдик йўлида тош пайдо бўлиши инсон ҳаёти учун катта хавф туғдиради. Шунинг учун бел, биқин, қориннинг пастида, ҳатто сонда оғриқ пайдо бўлса, зудлик билан шифокор-урологга мурожаат қилиш керак. Айниқса, сийдикда қон ёки тош заррачалари пайдо бўлса, шошилиш лозим.

Касалликни даволашдан унинг олдини олган маъқуллиги илгаридан маълум. Агар мазкур хасталикка туғма мойил бўлсангиз, (кўплаб қариндошларингиз унга чалинган бўлса) қуйидагиларни тавсия этамиз.

Меъёридан ортиқ еманг. Бульон, шоколад, қаҳва, какао, аччиқ, шўр ва қовурилган таомлар сиз учун зарарли. Ёғ ва тузни ҳам кам истеъмол қилинг. Кўп сув ичинг. Сийдик ҳайдовчи қайнатмалар, ўтларнинг ҳам нафи катта. Шунингдек, ҳамиша белингизни иссиқ тутиш лозимлигини унутманг. (N)

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИВ ЁҲББ Навоий тоғ-металлургия комбинати ЁХТБ 3-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди сардори, ички хизмат подполковниги **Бурхон БАҲРОНОВ**ни қутлуғ 55 ёши билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, хизматида улкан ютуқлар тилаймиз.

**Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

* * *

Республика ИИВ ЖИЭББга қарашли муассаса бошлиғи, ички хизмат майори **Маҳмуд НАРЗУЛЛАЕВни** туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, хизматида улкан ютуқлар тилаймиз.

**Муассаса шахсий таркиби.**

* * *

Мирзачўл тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани **Эргаш АҲРОРОВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хотиржамлик, шахсий таркибни тарбиялаш ишида катта ютуқлар тилаймиз.

**Эҳтиром ила ҳамкасблари.**

Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани **Обиджон ҒОФУРОВ**ни таваллуд топган куни билан муборакбод этамиз. Меҳрибон дадажонимизга мустаҳкам соғлиқ, ишларида ютуқлар тилаб, фарзандлар камолини кўриб юришларини Яратгандан сўраймиз.

**Ҳурмат ила оила аъзолари.**

* * *

Истеъфодаги милиция капитани, меҳрибон онажонимиз **Зебо МАНСУРОВА**ни баҳор байрами билан самимий муборакбод этамиз. Азиз волидамиз кўп йиллар фарзандлари ва шогирдлари камолини кўриб, саломат юришларини Яратгандан сўраймиз.

**Фарзандлар номидан қизингиз Замира.**

* * *

Республика ИИВ ЖИЭББга қарашли муассаса ходими, ички хизмат прапоршчиги **Акром ҚУЛТОЕВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам соғлиқ, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

**Ҳурмат ила дўсти Дилшод ва оила аъзолари.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**Қўй.** Душанба куни савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаётган кишиларга омад кулиб боқмайди. Дўстларингиз билан муносабатларда сешанба куни муаммолар юзага келади. Чоршанба куни шерикларингиз қўллаб-қувватлайдилар. Жума куни кайфиятингиз яхшиланади, кичик совғалар оласиз. Якшанба куни сабр-тоқатли, интизомли, меҳрибон ва мурувватли эканлигингизни намойиш этиш имконияти бор.

**Сигир.** Ҳафтанинг бошида қарама-қаршиликлар кутилмоқда. Ўзингизга бўлган ишонч йўқолиши мумкин. Чоршанба нотариал идорада тасдиқланадиган ҳужжатларни расмийлаштириш учун қулай кундир. Пайшанба куни сиз танишган кишилар ҳаётингизда муҳим ўрин тутади. Дам олиш кунлари саёҳатга бориш, ўзингизни жисмонан тиклаб олиш, кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни бажариш учун қулай эканлигини унутманг.

**Эгизаклар.** Аввалдан бироз келишолмай юрган инсонлар билан муносабатларни йўлга қўйишингизга тўғри келади. Ижод борасида кутилмаган натижаларга эришасиз. Тиббиёт, фалсафа, рухшунослик, ижтимоий соҳа кишиларининг фаоллиги ошади. Моддий аҳволингиз яхшиланиши, оилада янги фарзанд дунёга келиши эҳтимоли бор. Шанба жамоа бўлиб ишлаш, тадбирлар уюштириш учун муваффақиятли кундир.

**Қисқичбақа.** Дастлабки кунлар шериклар ва оилавий муносабатларда тушунмовчиликлар пайдо бўлади. Ишхонадаги руҳий толиқиш кайфиятингизга кескин таъсир қилиши мумкин. Ўзингиз истамаган учрашувда иштирок этишингизга тўғри келади. Пайшанба куни дўстлар ёки қариндошларингиз қўллаб-қувватлайдилар. Якшанба фаол ҳордиқ чиқариш ва спорт билан шуғулланиш учун қулай кун.

**Арслон.** Кўплаб синовлар ортда қолса-да, нохуш хаёллар тинчлик бермайди. Чоршанба куни оммавий тадбирларда иштирок этиб, фойдали битимлар имзолайсиз. Пайшанба кунги муваффақиятлар кайфиятингизни кўтариб юборади. Аммо шанба куни оиладаги тушунмовчилик, ота-онангиз билан боғлиқ муаммолар низо келтириб чиқариши мумкин. Якшанба куни қарзингиздан қутилиш имконияти мавжуд.

**Бошоқ.** Ҳафтанинг бошида саломатлигингиз панд беради. Чоршанба куни фаол ижод билан машғул бўласиз. Куч-қувватингиз ошаётгани яққол сезилиб туради. Пайшанба раҳбарлар ёки жамоат ташкилотларига ўзингизни қизиқтирган масала бўйича мурожаат этишнинг айни вақтидир. Шанба куни меҳнат фаолиятингизни ўзгартиришингиз, уйдаги жиҳозлар ўрнини алмаштиришингиз эҳтимолдан холи эмас.

**Тарози.** Душанба куни ўзингизни ёлғиз ҳис этасиз. Сешанба куни шаънингизга бўҳтон гаплар ёғилишидан эҳтиёт бўлинг. Пайшанба куни моддий аҳволингиз ёмонлашади. Шунга қарамай яқин кишиларингиздан бирини қўллаб-қувватлайсиз. Шанба куни ўз манфаатларингизни ҳимоя қилишингизга тўғри келади. Шерикларингиз билан муносабатларни қайта кўриб чиққанингиз маъқул.

**Чаён.** Ҳафтанинг бошида яқин кишингиз ҳақида нохуш хабар эшитасиз. Бу эса кайфиятингизга таъсир кўрсатади. Касб маҳоратингиз ошиб, меҳнат фаолиятингиз яхшиланади. Кўп нарсаларга қизиқишингиз пайшанба кунги муваффақиятлар гаровидир. Дам олиш кунлари ҳаётингизда ўзгаришлар рўй беради.

**Ёй.** Дастлабки кунлар кутилаётган учрашувлар, музокаралар ва сафарлар муваффақиятли ўтади. Ҳаётингизда жиддий ўзгаришлар юз бериши мумкин. Фикрингизни ўзгартириб юборишга қодир инсон билан танишасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида савдо битимлари тузиб, турли тадбирларда иштирок этиш имконияти бор. Бошлаб қўйган ишларингиз ниҳоясига етади.

**Тоғ эчкиси.** Душанба куни баҳслар, мунозаралар кутилмоқда. Амалий ва молиявий режалар амалга ошишини истасангиз ўз нуқтаи-назарингизни исботлаб беринг. Чоршанба янги ишларни бошлаш учун қулай кундир. Сизга омад кулиб боқади. Жума куни танишлар ёки қариндошларингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Якшанба куни саъй-ҳаракатлар туфайли ижодий фаолликка эришасиз.

**Қовға.** Ҳафтанинг биринчи ярмидаги кичик нохушликлар руҳингизни тушириб юборади. Қувончли учрашувнинг гувоҳи бўласиз. Пайшанба куни амалий ва молиявий масалаларда омад кулиб боқади. Барча саъй-ҳаракатлар жума кунга бориб самара бериши мумкин. Шанба куни ўз иқтидорингизни намойиш этишингизга тўғри келади. Меҳнат фаолиятингизда йўл қўйилган хатолар туфайли якшанба куни ҳам ишлайсиз.

**Балиқ.** Душанба куни ҳафта давомида кечадиган фаол жараёнга пухта тайёргарлик кўришни маслаҳат берамиз. Муҳим ишларни бажаришда омад ёр бўлади. Чоршанба куни молиявий масалаларда ютуқлар кутилмоқда. Жума кун ижодий фаолликда ўтади. Якшанба куни эҳтиёткор ва ўзингизга нисбатан талабчан бўлганингиз маъқул. Ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйманг.

Ниҳоят
Транс-порт
Ҳисоб амали
Меха-ника бўлими
Тад-биркор
Юнон ҳарфи
Ярим ўтказ-гич
Автомо-биль қисми



Инсон зоти
Кимё ашёси
Кулги устаси
Фурсат
Қушнинг туллаш моддаси
Газ-лама
Истак
Исм
Само
...дон
... дам
Булак
Шеъ-рият
Ходим
...зон
Спорт
Қат-ламли маъдан
Айлана ўлчами
Ном
Китоб
Ҳаша-рот
Изти-роб
Гана пой-тахти
Билим
Фойда
Тутқич



...ага (Шаҳар)
...-ишора
Қуш жинси
Палов
Бокс қироли
Испания шаҳри
Кичик сайёра
Ранг
Ер соҳаси
Дарё
Спорт
Камёб жони-вор



Спорт май-дони
Зид
Урф
Дарахт
Вазн ўлчови
Газ-лама
Дарё
Навоий достони қаҳра-мони
Хонадон бойлиги
Анжу-ман
Касал-лик
Канада шаҳри
Ҳужжат-хона



Ошкўк
Афри-кадаги пойтахт
Томон
Само-лёт
Ток қуввати ўлчови
...тан
Идиш
Ҳукм-дор
...дон
...ма
Интизом
Тиниш белги
Халқ достони
Устоз адиб
Ғазна
Сало-матлик асоси
Эътибор эгаси
Транс-порт
Давлат тузуми тури
Француз адиби
Техника экини
Сардор
Мукофот соҳиби
Қитъа



Башо-рат
Олтин
Қўл-ёзма
Нота
Чечак
Ит
Томон
Катта аёл
Кам
Россия шаҳри
Олмош
Жануб қуши
Илонхўр ҳайвон
Тери идиш

К. ОРИПОВА тузди.

## ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

БЎЙИГА: **Авиамоделизм. Профилактика. Он. Нура. Лантан. Массагет. От. Рона. Шоҳмот. Сардор. Аз. Панорама. Намуна. Рус. Кама. Нун. Грузин. Рав. Тақа. Тос. Шуман. Ал. До. Ереван. Ироқи. Абдуллаева. Қаср. Каср. Этан. Пашмак. Ромб. Ирода. Тарз. Уста. “Широқ”. Оуэн. Қозон. Улоқ. Зулф. Ас. Май. Бу. Ватан. Мушк. Димлама. Қорабайир.**

ЭНИГА: **Маза. Шумахер. Кант. Ҳисори. Еттисой. Аруз. Монако. Арно. Оби. Гуно. Тангенс. Қум. Ер. Ар. Ака. Ўта. Мусиқа. Қува. Тузоқ. Олам. Отин. Рота. Адан. Ақиқа. Иш. Дерсу. Пальто. Раста. Нор. Ан. Фаттоҳ. Баргизуб. Парад. Лента. Улама. Олой. Нав. Бол. Футбол. Ёр. Манзара. Седана. Сур. Муқова. Акустика. Кармана.**

# СПОРТ+ФУТБОЛ



*Ўзбек спорти обрўсини оламаро ошириб бораётган спортчиларимиз орасида хотин-қизларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимаси, милиция сержанти «Турон» яккакураши бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони, Фарғона шаҳрида ўтказилган «Алпомиш» спорт ўйинлари ғолиби Азизахон Қосимова ҳам ана шундай иқтидорли ўзбек қизларидандир. Байрам арафасида Азизахонни чин дилдан муборакбод этиб, спорт мусобақаларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.*

**Б. ОМОНЗОДА** олган сурат

***Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ўқув марказида ҳозирги кунда 400 га яқин тингловчи хизмат сирасрорларини ўрганмоқда. Ўқув марказида тингловчилар учун барча шароитлар яратилган. Замонавий компьютер техникалари, ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар ва бошқа зарур анжомлар билан жиҳозланган шинам хоналар тингловчилар хизматида. Бой амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар ёш ходимларга зарур кўникмаларни беришмоқда.***

## ТИНГЛОВЧИЛАР ҒОЛИБ

Ўқув марказида спортга, жисмоний ва жанговар тайёргарликни оширишга алоҳида эътибор берилади. Бунинг натижаси ўлароқ, тингловчилар ўтказилаётган мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб, Ўқув маркази шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Яқинда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида Қўл жанги спорти федерацияси томонидан вилоят биринчилиги ўтказилди. Бунда милиция катта лейтенанти Қаҳрамонжон Халилов мураббийлигидаги Ўқув маркази жамоаси ҳам фаол иштирок этди.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг 100 дан ортиқ ходимлари иштирок этган вилоят биринчилигида ўз вазн тоифаларида Пўлатжон Турсунов, Шавкатжон Сотволдиев 1-ўринни, Шавкатжон Холбоев, Дониёр Аҳмедов, Элмурод Раҳимов 2-ўринни, Абдужалил Абдуғоффоров, Мухтор Буркутов, Зайлобиддин Тўйчиев 3-ўринни эгалладилар. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари "Қўл жанги" федерацияси ғолибларга диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Ўз навбатида ўқув маркази раҳбарияти ҳам марказ шарафини муносиб ҳимоя қилган ўз тингловчиларини муносиб рағбатлантирди.

**Б. ОМОНЗОДА.**

# ЧЕМПИОННИНГ УКАСИ

**Бухоро вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, милиция капитани Н. Қурбонов билан қисқа суҳбат.**

**– Наби ака, сиз қачон ички ишлар идораларига хизматга киргансиз?**

– 1985 йилда Когон шаҳар ва тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили вазифасида иш бошлаб, 1994 йилдан буён вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили лавозимида ишлаб келяпман. Отам раҳматлининг маслаҳатлари билан шу касбни танлаганман.

**– Спорт соҳасида қандай натижаларга эришдингиз?**

– 1980 йилда Москва шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида иштирок этиб, спорт устаси унвонига сазовор бўлдим. Спортнинг дзюдо ва самбо турлари бўйича бир неча мусобақаларда ғолибликни қўлга киритганман.

**– Хизмат воқеаларидан ҳам гапириб берсангиз.**

– Тунда номаълум шахслар Бухоро шаҳридаги автобус бекати яқинида "Тико" русумли автомашинани тўхтатишиб, ҳайдовчидан Когон шаҳарига олиб боришни илтимос қилишади. Йўлда унга пичоқ ўқталиб қўрқитиб, оёғига тиғ уриб, автомашинани олиб кетадилар. Шундан кейин ушбу жиноятни Б. Давлат ва Х. Зайниддинлар содир этишгани аниқланди. Бошқарма тезкор вакиллари милиция майори Одил Ғафуров ва милиция капитани Бахтиёр Рустамовлар билан бирга гумонланувчиларнинг Маданият ширкат хўжалигидаги уйига кириб бордик. Босқинчилар пардалар орқасига яшириниб ўтиришган экан. Қўлларида пичоқ. Мен самбо усулини қўллаб уларни йиқитдим. Жиноятчилар қўлга олинди.

**– Фарзандларингиз ҳам спортга қизиқишадими?**

– Ўғилларим Нодирбек ва Нурбек самбо ҳамда дзюдо билан шуғулланишади. Улар менга ўхшаб милиция соҳасида ишлашмоқчи. Шунингдек, акам Собир Қурбоновдан қўл жанги сирларини ўрганишяпти.

**– Шогирдларингиз ҳам бордир?**

– Ҳа, Азизбек Ражабов, Азизбек Турсунов, Ботир Рустамов, Фурқат Ҳафизов кабиларга билганларимни ўргатиб келяпман.

**– Сизга устозлик қилиб, ҳаётнинг оғир-енгилини ўргатган ҳамкасбларингиз тўғрисида ҳам тўхталсангиз.**

– Биринчи устозим – акам Собир Қурбонов. Иш юзасидан устозим эса истеъфодаги милиция полковниги Насулло Амонов бўладилар. Ҳозирги вақтда милиция подполковниги Тўлқин Раззоқов мени доимо қўллаб-қувватлаб келаяпти.

Суҳбатдош **Асқар ҒИЁСОВ.**

# ЯНГИ МАВСУМ КАРВОНИ



***Футбол ишқибозлари учун орзиқиб кутилган кунлар келди. Бугун мамлакатимизнинг бир неча шаҳарларида навбатдаги – XIII миллий чемпионат байроғи кўтарилади.***

***Ўзбекистон футболи учун ҳам қишки таътил тугади. Мураббийлар жамоалари ўйинини кучайтириши мумкин бўлган футболчиларни ўз таркибига киритиб ҳам бўлишди. Бу ёғига энди фақат яхши ўйин кўрсатиш, мухлислар учун, уларнинг меҳри, ишончини қозониш, Осиё, дунё майдонларида ўзини кўрсатиш учун курашиш керак. Жамоаларимиз буни эплай олармикинлар? Умид қилиб қоламиз.***

| 1-ТУР. 4 МАРТ. ПАЙШАНБА | | |
|---|---|---|
| **Учрашув ўтадиган шаҳар** | **Мезбон жамоа** | **Меҳмон жамоа** |
| Қарши | "Насаф" | "Машъал" |
| Наманган | "Навбаҳор" | "Металлург" |
| Зарафшон | "Қизилқум" | "Сурхон" |
| Жиззах | "Сўғдиёна" | "Андижон" |
| Бухоро | "Бухоро" | "Нефтчи" |
| Тошкент | "Трактор" | "Пахтакор" |
| | **5 март. Жума** | |
| Тошкент | "Самарқанд-Д" | "Локомотив" |

# АЖОЙИБ РЕКОРД

Англиянинг 2-дивизионида иштирок этадиган "Борнемут"-"Рексэм" жамоалари ўртасидаги учрашувда футбол оламидаги тезкор "хет-трик" рекорди янгиланди.

Икки жамоа учрашуви 3:0 ҳисобида "Борнемут" фойдасига ҳал бўлиб турган бир пайтда ушбу жамоа мураббийи яна бир ҳужумчи – Жеймс Хейтерни майдонга туширди. Ҳужумчи икки дақиқаю йигирма сонияда (!) уч тўп киритиб, ҳисобни 6:0га етказиб қўйди.

Тезкор "хет-трик" рекорди 1943 йилда ўрнатилганди. Унда "Блэкпул" ўйинчиси Эфраим Додз икки дақиқа ўттиз сонияда рақиб дарвозасига уч тўп киритишга эришган, бу рекордни орадан ўн йил ўтиб, "Жиппингем" футболчиси Жеймс Скарт такрорлаган эди.

## ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Ўзбекистон миллий терма жамоасининг маслаҳатчи мураббийи этиб, германиялик мутахассис Юрген Гёде тайинланди. Шу кунга қадар бу вазифани Тачмурод Агамуродов бажариб турган эди.**

Ўзбекистон XIII миллий чемпионати Олий лигасида жорий йилда 14 жамоа чемпионлик учун ўзаро кураш олиб боради.

**Ўтган йилги Олий лига қатнашчиси – Тошкент вилоятининг "Дўстлик" жамоаси тарқалиб кетди. Жамоа 2000 йили Ўзбекистон чемпиони бўлганди...**

Олий лиганинг яна бир қатнашчиси – Қўқон шаҳрининг "Қўқон-1912" жамоаси Ўзбекистон Футбол федерацияси олдидаги қарзларини тўлиқ узган бўлса-да, Олий лигада иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлди. ЎФФ жамоанинг 1-лигада иштирок этиши мумкинлигини билдирди.

**Самарқанд шаҳридаги "Динамо" ўйингоҳида таъмирлаш ишлари якунига етмаганлиги сабабли "Самарқанд-Д"-"Локомотив" учрашуви 5 март куни Тошкент шаҳридаги "Жар" Спорт-соғломлаштириш мажмуаси ўйингоҳида ўтказилади.**

***Лондон шаҳрида Халқаро Футбол Ассоциацияси Кенгашининг 118-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Унда футбол ўйини қоидаларига ўзгартиришлар киритишга доир бир қатор қарорлар қабул қилинди. Ўзгартирилган қоидалар жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан кучга киритилади. Қабул қилинган қарорларга кўра:***

**ФИФА стандартига мос келадиган ва ўтказиладиган мусобақа регламентида кўзда тутилган сунъий майдонларда учрашувлар ўтказиш расман қонунлаштирилди;**

ҳар бир ўртоқлик учрашувларида жамоалар 6 тагача ўйинчи алмаштиришлари мумкин;

**учрашувларда ғолибни "олтин" ёки "кумуш" тўп ёрдамида аниқлаш чекланди. Бунинг ўрнига, аввалгидек, асосий вақтда ғолиб аниқланмаса, қўшимча 15 дақиқалик икки бўлим ўтказилади. Ўшанда ҳам дуранг қайд этиладиган бўлса, пенальтилар серияси белгиланади;**

киритилган тўпни футболкасини ечиб нишонлаган футболчи ҳакам томонидан огоҳлантирилади;

**енги йўқ футболкалар билан ўйнаш тақиқланди.**



Сўнгги йилларда республикамизда болалар спортига эътибор ниҳоятда кучайди. Айниқса, уч босқичдан иборат "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари юртимиз шарафини дунё ареналарида муносиб ҳимоя қилишга қодир ёшларни кашф қилаётгани қувонарлидир. Жойларда болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратиб беришга интилаётган фидойи инсонларнинг борлиги эса икки карра қувончлидир.

**Суратда:** ***Сирдарё тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, милиция капитани Жаҳонгир Ҳайдаров спорт тўгараги қатнашчилари билан навбатдаги кунлик машғулотларни ўтказмоқда.***

**Қ. КАРИМОВ** олган сурат.

**Саҳифа материалларини Эркин САТТОРОВ тайёрлади.**

Осойишта маҳалла обод бўлади

**“Истиқлол” нафақат Миробод туманида, балки пойтахтимизда ҳам эътиборли маҳаллалардан биридир. Бу гўшада 3120 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар 20 дан ортиқ миллат вакиллари бўлиб, аҳил ва тотув яшашади. Бу тотувлик миллий ва маънавий қадриятларни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг самарасидир.**

**Фуқаролар осойишталигини таъминлаш маҳалладаги 131-милиция таянч пункти профилактика инспекторлари зиммасида.**

# МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

– Ҳудудимизда хонадонлар билан бирга кўп қаватли турар жойлар ҳам анчагина. Биз ишни биринчи галда шу жойларда яшаётган оилаларни бир-бири билан таништириш ва иноқлаштиришдан бошладик, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Озода Маҳаммадалиева. – Зарурат туғилган пайтда ҳар бир подъезда яшовчилар учун алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Ёши улуғ ва обрўли кишиларни бу жойларга масъул этиб тайинладик. Шу ўринда бунинг ижобий самараси сифатида маҳалламизда ўғрилик, майда безорилик сингари дилни хира қиладиган ҳуқуқбузарликларга барҳам берилганини айтиб ўтиш зарур.

Маҳалламизда 3 та мактаб, битта касб-ҳунар коллежи мавжуд. Аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис уларга эътибор ниҳоятда зарур. Биз шундан келиб чиқиб, ҳудудимиздаги милиция ходимлари билан ҳамкорликда иш юритаяпмиз. Милиция таянч пункти қошида 8 нафар маҳалла посбонлари бор. Улар асосан ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, тажрибали кишилардир. Шунингдек, ҳар бир гузарга тайинланган эътиборли кишилари ўз ваколатлари доирасида иш олиб боришади. Бу эса осойишталикка эришишда муҳим ўрин тутаяпти.

Дарҳақиқат, Озода опа таъкидлаганидек, профилактик ишлар тўғри ташкил этилаётгани кутилган натижани бермоқда.

– Биз маҳалладаги ҳар бир оила билан яқиндан танишиб чиққанмиз,– дейди профилактика инспектори, милиция капитани Болтабой Нуримметов. – Одамларнинг феъл-атвори, хонадондаги муҳитни ўрганиш, муқаддам судланганлар билан ишлаш ва вояга етмаганлар билан суҳбатларда видео, аудио сингари техник воситалардан фойдаланаётганимиз ижобий самара бермоқда.

Муқаддам судланганларга алоҳида эътибор қаратганмиз. Биринчи галда улар фойдали меҳнатга жалб этилаяпти. Болалар яхши ўқиши ва бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун турли спорт ва касб-ҳунар тўгараклари ташкил этилаётгани ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда. Бу ишларга кўпроқ тажрибали педагоглар жалб этилган. Ёрдамга муҳтож ва боқувчисини йўқотган кишиларга тез-тез моддий ёрдам уюштирилаётгани ва улар ҳолидан хабар олиб турилиши маҳаллдаги муҳитнинг яхшиланишига олиб келаяпти. Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши муносабати билан маҳалла фаоллари тегишли тадбирлар ишлаб чиқдилар. Ҳозирда барча ишлар аниқ режа асосида олиб борилмоқда.

**Раъно ҚАЛАНДАРОВА.**

Фахрийлар — фахримиз

# МАЗМУНЛИ УМР



***Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати ва масъулияти бўлади: Дамин Амиров юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек шарафли ишга ўзининг деярли бутун умрини бағишлади. У болалигидан зийрак, синчков, ҳар бир ишни қунт ва сабот билан бажаришга одатланиб ўсди.***

***Дамин ака навқиронлик даврини дастлаб армия сафида, сўнгра урушда ўтказди. 1943 йилнинг октябрида фронтдан ярадор бўлиб, ўзи туғилиб ўсган Каттақўрғон шаҳрига қайтди.***

– Оғир даврлар эди, чидадик, – дейди отахон ўша йилларни хотирлаб. – Урушнинг мудҳиш, қора кунларини кўриб, юрт тинчлиги, осойишталигидан катта бойлик йўқ эканлигини чуқур англадим ва шу ишнинг бошини тутдим. Дастлаб Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлимида оддий милиционер бўлиб фаолият юрита бошладим. Ўша кезлари ички ишлар идораларида ҳозиргидек тўкис шароит йўқ эди. Топшириқни олгач белгиланган жойга гоҳ пиёда, гоҳ отда бордик. Ҳар қандай вазифани вақтида, бекаму кўст уддалашга ҳаракат қилардим. Ҳатто бир неча кунлаб уйқу нималигини билмасдим. Безорилик, ўғирликлар содир этилиб турарди. Бундай ишларни кўпинча балоғат ёшига етмаган ёшлар қилишарди. Мен иложи борича улар ўртасида рўй бераётган жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиб, унинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб борардим. Ахир дунёда кимлардир яхшилик уруғини экса, ўзидан эзгу из қолдирса энг олий бахт шу эмасми?

Дамин ака ўз олдига инсонларга эзгулик бахш этишни мақсад қилиб қўйди. У участка нозири, ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, кейинчалик паспорт столи бошлиғи вазифаларида ишлаб, обрў-эътибор топди. Хизмат давомида кўплаб қийинчиликларга рўпара келди. Аммо ўз бурчига садоқат билан ёндашган ички хизмат капитани Дамин Амиров ҳамиша фидойилик намуналарини кўрсатди.

Ҳозирда у киши кексалик гаштини сурмоқда. Эл олдидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган.

– Эркак кишининг муваффақиятлари аёлга ҳам боғлиқ экан, – дейди отахон мамнуният билан. – Раҳматли аёлим Хайринисо билан 60 йил иноқ яшадик. У жуда оқила, хушмуомала, меҳнатсевар, бардошли эди. Саккиз нафар фарзандимизни оқ ювиб, оқ тарадi. Қалбида дунёча меҳр-муҳаббат бор эди.

Оиланинг тўнғич фарзандлари Мунаввара ва Гулшода ҳам ота изидан бориб, бугунги кунда иккиси ҳам пенсияда. Собиржон, Соҳибжон, Розиқжонлар Каттақўрғонда, Сайёра, Зокиржон, Эътиборхонлар эса Тошкент шаҳрида турли касбларда меҳнат қилишмоқда. Отахоннинг тўнғич набираси Жамшиджон ўтган йили республика ИИВ Академиясини тугатиб, милиция соҳасида фаолият кўрсатмоқда У севимли бобоси билан ҳамиша фахрланади, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олиб туради.

Айни пайтда шаҳар ички ишлар бўлими фахрийлар кенгаши раиси сифатида фаолият юритаётган Д. Амиров табаррук 85 ёшни қаршилади. Биз бу табаррук отахонни қутлуғ ёш билан табриклаб, унга узоқ умр тилаймиз, эзгу ишларга ҳамиша бош-қош бўлиб юришларини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

**Матлуба САИДАҲМЕДОВА.**

Осойишталик посбонлари

# САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР МЕВАСИ

Бойсун тумани ҳокими вазифасида ишлаган Тўрақул Ҳамроев ҳудуддаги оқсоқоллари тўплаб, улар билан фикрлашди. Чунки милиция таянч пункти учун ажратилган бинони капитал таъмирлаш, қайта жиҳозлаш учун катта маблағ керак эди.

Ҳокимнинг таклифи билан Бойсун насчилик хўжалиги бошқаруви раиси, Беккул Тошбоев, Даштиғоз маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шерали Қудратов, ҳудудда жойлашган барча хўжалик, ташкилот, муассасалар жамоалари, фуқаролар бу ишга бош қўшдилар. Бино қайта таъмирланди. Шу тариқа 82-Даштиғоз милиция таянч пункти кўп қаватли бинода иш бошлади.

Профилактика катта инспектори, милиция катта лейтенанти Абдуҳаким Хуррамов ўз касбининг фидойиларидан. У Тошкент юридик техникумини битиргач, ҳарбий хизматга кетди. Мана, қарийб 10 йилдирки, милиция соҳасида ишлаяпти. Милиция капитани Шавкат Эсонов, милиция майорлари Хуррам Холманов, Сафар Панжиевни ҳурматлаб устоз, дейди. Чунки касб сирлари, маҳоратни улардан ўрганди. Бугунги кунда эса унинг ўзи билим ва тажрибаларини ёшлар билан ўртоқлашишдан чарчамайди.

Таъкидлаш жоизки, Шерали Қудратов, маҳалла посбонлари сардори Нормурод Амировлар нафақат маҳалла, балки туман, қолаверса, Сурхон воҳасида эътибор қозонган инсонлар. Шу билан бирга номдор полвон, спорт ташкилотчиларидан саналади. Бугунги кунда мамлакат спорт шарафини муваффақиятли ҳимоя қилиб келаётган, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев шу маҳалла фарзанди. Айни вақтда маҳалладаги спорт тўгарагида 67 нафар ёш полвонлар миллий кураш сирларини ўрганмоқда. Яқинда бичиш-тикиш цехи иш бошлади. Бу ерда ўнга яқин уй бекаси меҳнат қилмоқда.

– Ҳуқуқбузарликлар кўпинча бекорчиликдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам аҳоли имкон қадар иш билан банд бўлиши, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишга эътибор қаратяпмиз. Натижада ҳудудда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар камаймоқда, – дейди милиция катта лейтенанти Абдуҳаким Хуррамов.

“Намунали милиция таянч пункти” республика кўрик-танловида 82-Даштиғоз милиция таянч пункти 3-ўринни эгаллагани ва вилоят ИИБ томонидан “Тико” автомашинаси билан тақдирланганi бежиз эмас. Бу профилактика инспекторларининг маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигида олиб бораётган ибратли ишлари, кўрсатилаётган фидойиликнинг мевасидир.

**С. ОМОНТУРДИЕВ.**

Хизматларда

# ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИНИ АЯШМАЯПТИ

**Қибрай тумани ИИБда ўттиз нафардан зиёд профилактика инспекторлари фаолият кўрсатади. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Шунинг учун бу соҳада катта иш тажрибаси тўплаган ходимлар ёшларга устозлик қилиб, йўл-йўриқ ва маслаҳатларини аяшмаяпти. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмасида шунингдек, вояга етмаганлар билан ишлаш гуруҳи, ахлоқ милицияси ходимлари ҳам хизмат қилишади.**

Профилактика инспекторлари бошқа хизматлар вакиллари билан ҳамкорликда “Тозалаш”, “Тун”, “Антитеррор”, “Оила”, “Назорат”, “Орият”, “Арсенал”, “Қидирув”, “Ўсмир” каби тадбирларда фаол қатнашиб келмоқдалар. Профилактик ҳисобда турувчи шахслар, оилавий жанжалкашлар, спиртли ичимликларга ружу қўйганлар, диний экстремистик кайфиятдаги шахслар билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилган. Майда безориликни, паспорт тизими ва санитария қоидаларини бузганлиги учун бир нечта шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Туманда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларига маҳалла посбонлари яқиндан ёрдам беришяпти.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг муҳим йўналишларидан бири илгари судланганлар билан ишлашдир. Жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан барча шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг ҳар бирига маҳаллий ҳокимият қошидаги ижтимоий кўникма марказлари томонидан моддий ва маиший ёрдам кўрсатилди, меҳнат бўлими орқали ишга жойлаштирилди.

Афсуски, тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай муқаддам судланганлар орасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлари ҳам бўлди. Бундай шахслар маъмурий назорат остига олинди. Профилактика инспекторлари, милиция майорлари И. Абдувоҳидов, З. Рустамов, милиция капитанлари Ғ. Очилов. Б. Худойқулов, милиция катта лейтенанти Б. Азимов ва бошқалар ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

Масалан, шу йил 6 январга ўтар кечаси номаълум шахслар Салор қўрғони Университет кўчасида яшовчи А. Тяминов уйидан қимматбаҳо кийим-кечаклар ва 150 минг сўм пулни ўғирлаб кетишади. Профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенанти Б. Азимов, милиция лейтенанти Ш. Ҳаитовлар олиб борган тезкор суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноятни Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшовчи Я. Рашид ва З. Павеллар содир этганлиги аниқланди.

12 февраль куни номаълум шахслар Чинобод қишлоғи Қорахўжаев кўчасида яшовчи Ф. Юнусовнинг уйидан 130 минг сўм пулни ўмариб, воқеа жойидан яширинганлар. Профилактика инспектори милиция лейтенанти Р. Ғаниев ўғри шу қишлоқда яшовчи Ж. Жамол эканлигини аниқлади.

Бўлинмамизда амалга оширилган ишлар ҳар ойда муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб борилади. Ходимларимиз шу асnода ўзаро фикр, тажриба алмашишаяпти.

**Ж. ВАЛИХЎЖАЕВ,**
*милиция капитани.*

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



**Россия Бош вазири лавозимига номзод Михаил Фрадков янги ҳукумат таркибини тузишга киришганини айтди. У Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига Давлат Думаси раисининг ўринбосари Александр Жуков тайинланишини таклиф этяпти. "Единая Россия" парламент фракцияси билан маслаҳатлашув чоғида у депутатларнинг барча саволларига жавоб беришга ҳаракат қилди.**

## ЯНГИ ҲУКУМАТ



Давлат Думаси раисининг биринчи ўринбосари Любовь Слиска ҳукуматнинг янги таркибига Фавқулодда вазиятлар вазири Сергей Шойгу ва Қишлоқ хўжалиги вазири Алексей Гордеев ҳам киришини тахмин қилмоқда. Янги ҳукумат тузиш билан боғлиқ масалаларни Фрадков, шунингдек Президент Владимир Путин билан бўладиган учрашувда ҳам муҳокама қилади.

Фрадков номзоди Давлат Думасига 1 мартда тақдим этилди. Парламентнинг қуйи палатаси раҳбари Борис Гризловнинг айтишича, депутатлар бу масалани 5 март куни кўриб чиқишади.

## ЙЎЛДАГИ ФОЖИА

Спорт гимнастикаси бўйича Украина миллий терма жамоаси етакчиси, хизмат кўрсатган спорт устаси 26 ёшли Александр Береш автоҳалокат туфайли ҳалок бўлди. У бошқараётган Peugeot автомобили Киев яқинида BMW билан тўқнашиб кетди. Автоҳалокат чоғида Александр Берешнинг ёнида спорт гимнастикаси бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, мамлакат терма жамоаси аъзоси, 25 ёшли Сергей Вяльцев бор эди. Береш воқеа жойида ҳалок бўлди. Вяльцев эса оғир аҳволда шаҳар касалхонасига ётқизилди. У жарроҳлик операциясидан сўнг ҳушига келди.

Александр Береш жамоа баҳсларида кумуш медаль, Сиднейдаги Олимпия ўйинларида кўпкураш бўйича бронза (биринж) медаль соҳиби, бир неча жаҳон чемпионатлари совриндори, "Европа – 2000" ва "Бутунжаҳон универсиадаси – 99" ўйинлари мутлақ ғолиби эди.

## ҚОТИЛЛИКДА ГУМОНЛАНЯПТИ

Россияга қарашли Ту–154 самолёти 2002 йил 2 июлда Германия ва Швейцария чегарасидаги Боден кўли тепасида ҳалокатга учраганида навбатчилик қилган авиадиспетчер орадан маълум вақт ўтгач Цюрихдаги ўз уйи олдида ўлдириб кетилди. Авиаҳалокат чоғида 71 нафар йўловчи, жумладан, Испанияга дам олгани кетаётган россиялик 57 ўқувчи ҳалок бўлган эди. Тергов-суриштирувларга кўра ҳалокатга авиадиспетчернинг нотўғри кўрсатма бергани сабаб бўлганлиги аниқланди.

Яқинда авиадиспетчерни ўлдирганликда гумон қилинаётган россиялик Виталий Калоев Клотендаги меҳмонхоналардан бирида Швейцария полициячилари томонидан ҳибсга олинди. Авиаҳалокат чоғида унинг хотини, ўғли ва қизи ҳалок бўлган эди.

# АЭРОПОРТДАГИ ИНСПЕКТОРЛАР



АҚШ хавфсизлик хизматлари ўз инспекторларини дунёнинг кўплаб мамлакатлари аэропортларига юбориш имкониятига эга. Бу ғоя муаллифларининг фикрича, улар қалбаки ҳужжатлар билан юрган террорчиларни излашади.

Сўнгги икки ой мобайнида терроризм хавфи бўлгани учун АҚШ ва Европа ўртасида қатновчи бир неча рейсни тўхтатишга тўғри келди. АҚШ Ички хавфсизлик департаменти вакиллари хориждаги ҳамкасблари билан америкалик инспекторларнинг бошқа аэропортларда фаолият кўрсатиши борасида музокараларни бошлаб юборишди. Инспекторлар фақат АҚШга йўл олаётган йўловчиларни текшириши кўзда тутилган.

## МАКЕДОНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲАЛОКАТИ

**Фожиа 26 февралда рўй берди. Македония Президенти Борис Трайковский халқаро анжуманга учиб келаётган самолёт Босниянинг Мостар шаҳри аэропортига қўниш пайтида ҳалокатга учради. Сараевода чиқадиган газеталардан бирининг хабар қилишича, самолёт рухсат берилган баландликдан 600 метр паст учгани учун фожиа юз берган.**

**Авиаҳалокатдан беш кун ўтгач ўлганлар орасидан Борис Трайковскийнинг жасади аниқланди. Бунга марҳумнинг отаси ва акасининг ДНКлари таҳлили қиёслангач муваффақ бўлинди. Дафн маросими жума куни бўлиб ўтади. Трайковскийнинг саккиз нафар ҳамроҳи эса пайшанба куни дафн этилади.**

## ИРОҚДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Сўнгги маълумотларга қараганда, Ироқнинг Карбало ва Боғдод шаҳарларида содир этилган террорчилик оқибатида ҳалок бўлганлар сони 182 нафарга етди. 556 киши яраланди. Портлашлар шиа мазҳабига мансуб юз минглаб кишилар Муҳаммад пайғамбар (с. а. в) нинг невараси имом Ҳусайн хотирасини ёд этиш учун кўчага чиққан пайтда юз берди.

## АЁЛ НОМЗОДИ ҲАМ БОР

Жазоир Конституциявий Кенгаши бўлажак президентлик сайловларида қатнашадиган олти кишининг номзодини тасдиқлади. Улар орасида мамлакат тарихида илк бор аёл ҳам бор. Шунингдек, амалдаги Президент Абдулазиз Бутефлик ўз номзодини қўйган. У сайловга халқаро кузатувчиларни таклиф этди.

## ҚУРБОНЛАР ЙЎҚ

Испаниянинг Урретчу шаҳрида спорт мажмуасининг томи устида тўпланган қор оғирлигига бардош беролмай қулаб тушди. Хайриятки қурбонлар йўқ. Воқеадан бир неча дақиқа илгари болалар баскетбол жамоаси машғулотни якунлаб, зални тарк этган эди.

## ЯГОНА ВАКИЛ БЎЛСА КЕРАК

АҚШнинг Массачусетс штатидан сайланган сенатор Жон Керри Демократик партия праймеризида ғалабани қўлга киритди. У Нью-Йорк, Огайо, Мэриленд, Коннектикут, Род-Айленд ва Массачусетс штатларида ҳам ишонарли ғалабага эришди. Шундай қилиб овоз бериш ўтказилган 10 штатдан 6 тасида ўзининг демократ-рақиблари Жон Эдвардс ва Говард Диндан устун келди. Ҳойнаҳой, Керри демократлар томонидан мамлакат президентлигига сайлов чоғида номзоди қўйиладиган ягона вакил бўлса керак.

CNN сайтида хабар қилинишича, Жон Эдвардс курашни давом эттиришдан воз кечди. Илгарироқ Вермонт штатининг собиқ губернатори Говард Дин ҳам шундай қарорга келган эди.




# ТЎХТА, ОТАМАН!

**Яқинда Россия Федерацияси ИИВ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Леонид Веденов янги тоифадаги қуролнинг сотилишига рухсат берилганини айтди. Буни мамлакатда ўқотар қуроллар савдоси тақиқланишининг бекор қилиниши сари қўйилган яна бир қадам, дея баҳолаш мумкин.**

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида фуқароларга газ тўппончаси сотилишига рухсат берилган эди. Аммо тез орада жиноятчиларни бундай ўйинчоқ билан тўхтатиб бўлмаслиги ойдинлашди. Шундан сўнг сотувда пневматик қурол пайдо бўлди.

Эндиги 11,2 мм калибрли, резина соққалар билан ўқланган тўппонча ўз хусусиятларига кўра газли ва пневматик қуролдан устун туради. Очиқ танага теккан соққа тери остига бир сантиметрга ботади. Кучли оғриқ рақибни гангитиб қўйиши табиий. "Ўқ" ҳатто кийим устидан тегса ҳам кишига яхшигина таъсир қилади.

Яқин-яқинларгача ИИВ раҳбарлари фақат милиция ходимларигина биринчи бўлиб қурол қўллашга ҳақли деган фикрда эди. Аммо бир ҳолатни ҳисобга олиш керак. Ҳозир Россияда 160 минг донадан зиёд "изсиз йўқолган" қурол изланяпти. Уларнинг аксарияти ҳарбий қисмлардан ўғирланган, аксарияти эса милиционерлардан тортиб олинган. Шунингдек, жиноят олами хусусий қўриқлаш хизматчилари–тан қўриқчилари ниқоби остида ўз қуролларига эга. Бундан ташқари назоратсиз "сайр этиб" юрган қуроллар қанча. Экспертларнинг фикрича, уларнинг сони миллиондан кам эмас.

Бунинг оддий фуқаролар, умуман жамият учун қандай хавф туғдиришини бир тасаввур қилиб кўринг. Узоққа бориб ўтирмайлик, яқинда тезкор ходимлар Қозонда ёлланма қотилларнинг бутун бошли бригадасини қўлга олишди. Гуруҳ аъзоларининг барчаси расман ишсиз ҳисобланган. Жиноятчилардан кўп миқдорда ўқ-дорилар, оптик нишонлар ва қурол-аслаҳалар мусодара қилинди. "Топилмалар" орасида қуролларнинг эҳтиёт қисмлари ҳам бор эди...

## Навбатчилик қисми хабарлари

### ҚОТИЛ НАБИРА

**Одатда набира бувисига меҳрибончиликлар кўрсатади, унинг панд-насиҳатларини эътиборга олади. Аммо Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Эйвалек кўргонида яшовчи Н. Рустам бу қадриятни оёқ ости қилди. У бувиси билан айтишиб қолди. Бу ҳам етмагандек унинг таъна-дашномларидан қутуриб, ёши бир жойга бориб қолган аёлни бўға бошлади. Натижада Клара Носирова воқеа жойида бу ёруғ оламдан кўз юмди. Қотил милиция ходимлари томонидан ушланди.**

### ЙЎЛОВЧИДА... ТЎППОНЧА

**Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида ўтказилган тезкор тадбир чоғида Қурувчилар даҳасида жойлашган бозор олдида Алишер Набихонов бошқарувидаги "ВАЗ –2101" русумли автомашина тўхтатилганда, ундаги йўловчи, Фарғона йўли кўчасида яшовчи А. Дилшод атрофга олазарак бўлиб боқа бошлади. Бундан шубҳаланган милиция ходимлари уни текширишганда 1986 йили Чехословакияда ишлаб чиқарилган, 6,35 калибрли "Чешка – Эрбуевка" русумли жанговар тўппонча чиқди. А. Дилшод энди бу қуролни қаердан олгани ва уни ёнида қандай мақсадда олиб юрганини айтиб беришига тўғри келади.**

### ҲУШЁРЛИК КЎРСАТДИ

**Кейинги пайтда ҳар қадамда ҳушёр бўлиш ҳақида кўп гапирилаяпти. Шу ўринда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Ҳамза кўчасида яшовчи Тўйдихон Мадаминовага тан бериш лозим. Уч кимса тахминан тунги соат 02 дан 30 дақиқа ўтганда уйга девор ошиб тушиб "Милка" русумли аудиомагнитофонни олишган вақтда уйғониб қолиб шовқин кўтарди. Бундан талвасага тушган ўғрилар жуфтакни ростлаб қолдилар. Суриштирувлар натижасида ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб С. Бахт ва И. Дониёр ушланди.**

### ОҒУФУРУШЛАР

**Сирдарё шаҳрида гиёҳфурушлар гуруҳини фош этиш бўйича ўтказилган тезкор тадбир самарали якунланди. Бирор жойда ишламай мўмай даромад топиш илинжида юрган Сирдарё шаҳрилик С. Илҳом, С. Ҳамиджон, А. Абдураззоқ ва гулистонлик О. Авазлар ўзаро жиноий тил бириктирдилар. Улар Ўзбекистон – Муқимий кўчалари кесишган чорраҳада 771 гр. героинни 7170 АҚШ долларига сотишаётган пайтда ички ишлар ходимлари қўйган тузоққа тушдилар.**



*Ўлкамизда баҳор.*
**У. УМАРОВ олган сурат.**

Баҳор илҳомлари

# БОШ ЭГИБ ЧИҚ ЙЎЛЛАРИГА



*Бугун дала, ҳовлида гул, этакда гул,*
*Чолбобода, болакайда, гўдакда гул,*
*Бўз йигитда – хуллас, жами эркакда гул,*
*Сездингми, дўст, бу кун файзи, сеҳри надур,*
*Бугун байрам! Гулларимиз Аёлгадур!*

*Аёл келар, байрамингиз қутлуғ, дегин,*
*Дунёда йўқ Сиздек оташ, ўтлиғ, дегин,*
*Эркак бағри Сизлар билан тўлиғ, дегин,*
*Гулпоёндоз тўшаб қўйгин йўлларига,*
*Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.*

*Ўсма Сизга ярашар де, қўйиб юрсин,*
*Ўзини ҳам бизлар каби суйиб юрсин,*
*Суясангиз, борлигингиз туйиб юрсин,*
*Хушбўй райҳон экиб қўйгин йўлларига,*
*Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.*

*Ўксиманг де, кўнглингизни топайлик де,*
*Армонингиз, камингизни ёпайлик де,*
*Ошиқ бўлиб изингизни ўпайлик де,*
*Ўт бағрини тўлдир баҳор гулларига,*
*Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.*

*Аёл зотин қалби нафис, аммо улкан,*
*Кулиб йиғлай олади у, йиғлаб кулган,*
*Баъзан осмон дили дардга тошиб-тўлган,*
*Малҳам топиб пешвоз чиққин йўлларига*
*Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.*

*Онадир у, опадир у, сингилдир у,*
*Ёрдир гўзал, муҳаббатли кўнгилдир у,*
*Кашф этолган жонга сирдир, сеҳрдир у.*
*Сеҳрлангин, бош эгиб чиқ йўлларига,*
*Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.*

**Замира РЎЗИЕВА, Андижон вилояти.**

## БИР ЧИМДИМ ТАБАССУМ

– Табриклайман дўстим, хотининг билан ярашиб олибсан.

– Нималар деяпсан, бу хаёлимга ҳам келгани йўқ.

– Қўйсанг-чи, кеча икковингиз бирга ўтин арралаётганингизни ўз кўзим билан кўрдим-ку.

– Қанақа ўтин! Ахир биз мебелни бўлишаётган эдик.

* * *

**ЙПХ инспектори автомобиль тезлигини белгиланган меъёрдан ошириб юборган ҳайдовчини тўхтатиб сўради:**

**– Қаерга бунчалик шошаяпсиз?**

**– Уйга, – деди ҳайдовчи ўзини хотиржам тутишга уриниб. – Кеча дўстларим билан Янги йилни бирга кутган эдик, ушланиб қолдим. Хотиним роса хавотир олаётгандир.**

**– Кимни лақиллатмоқчи бўлаяпсиз, – тутоқди инспектор. – Шу пайтгача Янги йил қолибдими?! Ахир ўлкамизга баҳор кириб келди-ку.**

**– Шунинг учун ҳам шошаяпман-да, – деди ҳозиржавоблик билан ҳайдовчи.**

* * *

Дўконда.

– Айтинг-чи, мабодо сизда компьютер ҳидини берадиган атир йўқми?

Ҳайратга тушган сотувчи "йўқ" дегандек бош чайқади.

– Аттанг. Куни билан компьютер олдида муккасидан тушиб ўтирадиган эримнинг эътиборини шу йўл билан ўзимга жалб қилмоқчи эдим, – деди аёл ҳафсаласи пир бўлиб.

## *Тўкин дастурхонингизга*

### «ХРИЗАНТЕМА» ПЕЧЕНЬЕСИ

**Тўрт дона тухум, 200 г. шакар, 300 г. эритилган сарёғ, бир ош қошиқ сметана ва пича ун яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган масса гўштқиймалагичдан чиқарилади. Шакли бузилмаган холда ёғ суртилган товага солинади. Шундан сўнг духовкага қўйиб, ўртача температурада пиширилади.**

### КЎКАТЛИ ҚУЙМОҚ

**Петрушка ва укропни майдалаб қирқинг. Пича туз сепиб, салат ёғи қўшинг ва тиндириб қўйинг. Ушбу масса товага тушгач, устига пиширилган ҳамда паррак қилиб тўғралган картошка ташланади. Кейин тухум (битта порциясига иккита) солинади. Устига ёғ қуйиб, таъбга қараб қалампир қўшинг ҳамда духовкага қўйинг. Кўкатли қуймоқ жуда пишиб кетмаслиги зарур.**

### «БАҲОР» САЛАТИ

**Бодринг ва помидор юқа, пиёз, булғор қалампири ҳамда қалампир эса майда бўлакларга бўлинади. Идишга тушгач сирка, кунгабоқар ёғи қўшинг, устига майда қирқилган укроп, қирғичдан ўтказилган бринза солинг.**

**Масаллиқ: 4 дона поидор, 2 та бодринг, 4 та булғор қалампири, қалампир, пиёз, 2-3 ош қошиқда ёғ, 200 г. бринза, сирка таъбга қараб.**


**Давлат, хусусий ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ–ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ 2004 йил 27 февралдан 27 мартгача МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- **махсус буюртма учун нимжун матолар;**
- **махсус буюртма учун кўйлак матолар;**
- **махсус буюртма учун плашч матолар;**
- **махсус буюртма учун астарлик матолар;**
- **сунъий мўйна матолар.**

**Тендер қуйидаги кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:**
700070 Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўча, 1-уй
**Тел.:** 810998 (3712) 55-81-73, 55-76-72, 152-30-49
**Факс:** 810998 (3712) 56-74-16
**E-mail:** umtvs@uzpak.uz


## КРОССЧАЙНВОРД



1. Завқ-шавқ бағишлайдиган хусусият. 2. Ҳамид Олимжон достонининг қаҳрамони. 3. М. Ю. Лермонтов романи қаҳрамони. 4. Гуллар маликаси. 5. "Қўшақаримоққа муҳр бўлади Ҳаётда икки ... қовушган бир зум" (Ғафур Ғулом). 6. Хушовоз хонанда (унинг исми Зулайҳо). 7. Маҳаллий ипак газлама. 8. Тригонометрик функциялардан бири. 9. Югуриш мусобақаси бошланган пайт. 10. Одам гавдасининг асосий қисми. 11. Ўрта Осиёда асосан ёз фаслига мўлжаллаб қурилган иморат. 12. Франциядаги шаҳар. 13. Спорт ўйинлари анжоми. 14. Сабзавот. 15. "Заковатли" деган сўзнинг маънодоши. 16. Энг улуғ зот. 17. Л. Н. Толстой романи қаҳрамонининг исми. 18. Она қўшиғи. 19. Араб алифбосидаги биринчи ҳарф. 20. Автомобилнинг йўлни ёритувчи қисми. 21. Безакнинг бир тури (тарҳи булутсимон бўлиб кўринади). 22. Учиш аппарати. 23. Ж. Верди операси. 24. Билимдон киши. 25. Саломга қайтариладиган жавоб. 26. Тортнинг устини безаш учун ишлатилади. 27. Лаззат, роҳат. 28. Операнинг яккахон қўшиқчи томонидан ижро этиладиган қисми. 29. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик. 30. Гўзаллик, латофат 31. "Оғзи йўғу тиши бор, Бошимизда иши бор". 32. Ширинлик тури. 33. Мусулмонларнинг Макка (Каъба)дан кейинги иккинчи зиёратгоҳи ҳисобланадиган шаҳар. 34. Италиядаги дарё. 35. Ҳиндистондаги бобурийлар пойтахти бўлган шаҳар. 36. Одиллик. 37. Хилма-хил кўринишдаги олам. 38. Ижоднинг бир тури.

***Агар топиб ёзилган жавоб сўзларнинг ҳаммаси тўғри бўлса, шаклнинг доирачалар чизиб белгиланган хоналаридан машҳур ҳинд киноактёри ва режиссёри Раж Капурнинг аёлларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш хусусида айтган ибратли сўзларини билиб оласиз.***

**Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**

### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

**Энига:** 1. Савр. 2. Реле. 3. Енот. 4. Трос. 6. Ватт. 7. Танк. 8. Кишт. 9. Торф. 11. Штат. 12. "Тико". 13. Омоч. 14. Чега. 16. Лима. 17. Амал. 18. Лава. 19. Адан. 21. Цент. 22. Тайм. 23. Миср. 24. "Рено".
**Бўйига:** 1. Сарв. 2. "Рост". 3. Елик. 4. Тафт. 5. Сейф. 6. Вахш. 7. Торт. 8. Кино. 9. Тинч. 10. Фара. 11. Шакл. 12. Тўқа. 13. Одил. 14. Чора. 15. Азон. 16. Ленц. 17. Азот. 18. Лахм. 19. Атир. 20. "Нидо".

**МУАММОНОМА**

**Очкич сўзлар:** 1. Чек. 2. Бобур. 3. Жамшид. 4. Лотин.
**Ибратли сўз:** Адолат бурчни бажариш демакдир.


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi Qobiljon SHOKIROV
Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 139-73-88.
muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

- *Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart*
- *Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.*
- *Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.*

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000059. Bosilish — ofset usulida.
Hajmi — 4 bosma taboq. 54079 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Ⓝ —Internet va xorijiy matbuot vositalarii asosida tayyorlandi.